

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. P.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМУДОВ АЗАМЖОН МУХТАРОВИЧ

**ЁШ РАҲБАРЛАРДА БОШЛАНҒИЧ БОШҚАРУВ КЎНИКМАЛАРИ
ШАКЛЛАНИБ БОРИШИНING ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ (ҲАРБИЙ ВА ҲАРБИЙ БЎЛМАГАНЛАР
МИСОЛИДА)**

**19.00.03 – Инсон касбий фаолияти
(Касб психологияси)**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020 йил

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
психологических наук (PhD)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of
Psychological Sciences (PhD)**

Махмудов Азамжон Мухтарович

Ёш раҳбарларда бошланғич бошқарув кўникмалари шаклланиб боришининг
ижтимоий-психологик хусусиятлари.....3

Махмудов Азамджан Мухтарович

Социально-психологические особенности процесса формирования начальных
управленческих навыков у молодых руководителей.....25

Makhmudov Azamjan Mukhtarovich

Social-psychological peculiarities of process forming initial managerial skills at
young managers.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications.....53

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. P.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМУДОВ АЗАМЖОН МУХТАРОВИЧ

ЁШ РАХБАРЛАРДА БОШЛАНҒИЧ БОШҚАРУВ КЎНИКМАЛАРИ
ШАКЛЛАНИБ БОРИШИНING ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ (ҲАРБИЙ ВА ҲАРБИЙ БЎЛМАГАНЛАР
МИСОЛИДА)

19.00.03 – Инсон касбий фаолияти
(Касб психологияси)

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020 йил

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ҳамжамиятида шахслараро муносабатлар ривожланиб боргани сари бошқарув тизими ҳам мукамаллашиб, жамият ҳаётида унинг ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда. Ижтимоий муносабатлар тизимида ёш раҳбарлар профессионал фаолиятига қўйиладиган талабларнинг янги механизмлари ишлаб чиқилмоқда. Бунда фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг ишини тўғри ташкил этиш, улардан ўз ўрнида ва унумли фойдалана олиш, раҳбарнинг ташкилотчилик маҳорати, унинг лидерлик салоҳиятини аниқлаш учун психологик диагностика ўтказиш ва ижтимоий нуқсонларни психологик коррекциясини амалга ошириш вазифалари белгиланмоқда.

Дунёда раҳбар кўникмаларини шаклланиб бориши унинг касбий, интеллектуал ва лидерлик хусусиятлари, ёш раҳбарларнинг психикаси ва шахси структураси шаклланиш жараёнларини аниқлаш ҳамда уларнинг ижтимоий-психологик ҳолатини тадқиқ этиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Раҳбарлик фаолияти кўп қиррали, мураккаб, жуда ранг-баранг омиллар таъсирига дуч келадиган фаолият бўлганлиги сабабли, уни амалга оширишдаёш раҳбарлар бошланғич бошқарув кўникмаларининг шаклланиш даражаси муҳим ҳисобланади. Мазкур илмий изланишларда ёш раҳбарларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлиги, психологик хусусиятлари, бошқарув кўникмалари шаклланиб боришини таъминловчи психологик компонентлар ва улар фаолиятининг ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳамда лидерлик қобилиятларини аниқлаш тадқиқот муаммоси саналади.

Мамлакатимизда ёш раҳбар кадрлар сифатини тубдан ошириш ва ёш кадрларнинг жамиятдаги мавқеини оширишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар даврида ёш раҳбарлар бошқарув кўникмалари моҳияти ва уларга қўйиладиган талаблар ортиб бормоқда. Бугунги кунда давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди, давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини кенгайтириш борасидаги ишлар янги сифат босқичига кўтарилди¹. Мазкур вазифанинг ижроси ёш раҳбарларда бошланғич бошқарув кўникмалари шаклланиб боришининг ижтимоий-психологик хусусиятларини шакллантириш ва ривожлантириш механизмларини белгилаш каби ижтимоий-психологик кўникма ва малакаларни касбий меъёр даражасида кечишини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиш сифатини оширишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 6-сон. Б.53.

бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”, 2019 йил 11 июлдаги ПФ-5763-сон “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ёш раҳбарларда бошланғич бошқарув кўникмалари шаклланиши мавзуси доирасида XX асрнинг биринчи ярмида тадқиқотчилар ўз эътиборларини “буюклик сифатларига” қаратиб, машҳур сиёсий ва давлат лидерлари қилган ишларни таҳлил қилиш билан машғул бўлдилар. Ақлий ва жисмоний қобилиятларга қўшимча равишда ўз-ўзига ишонч, ҳокимиятга интилиш, муваффақиятга бўлган эҳтиёж, ўз-ўзини рўёбга чиқариш эҳтиёжи, устунликка бўлган эҳтиёж каби шахс сифатлари бўлиши кераклиги таъкидланди. Лидер хулқ-атвори моделлари ва лидерлик сифатлари “жамланмаси” вақт ўтиши билан бир неча бор ўзгарди. Ф.Кайлейл томонидан ишлаб чиқилган “Юксак Одам Назарияси”да лидер бўладиган одамлар азалдан уларга лидерлик позициясини эгаллашга ёрдам берадиган маълум бир сифатлар йиғиндисига эга бўладилар, деб ҳисобланди.

Тадқиқ этилаётган масала бўйича ўтказилган илмий адабиётлар таҳлилининг кўрсатишича, олимларнинг аксарият тадқиқот ишлари Д.Г.Мухамедова²нинг “Таълим менежерини инновацион фаолиятга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик технологияларини такомиллаштириш” деб номланган докторлик диссертациясида олий таълим муассасаларидаги инновацион фаолиятга таълим менежерларини тайёрлаш жараёнининг ижтимоий-психологик жиҳатлари ўрганилган. Х.А.Қодирова³ томонидан “Раҳбарларнинг ишдаги ва оиладаги шахслараро муносабатлари хусусиятлари” мавзусида бажарилган номзодлик диссертациясида раҳбар фаолиятининг ижтимоий-психологик хусусиятлари, жумладан, хулқ-атворининг лидерлик ва гендер хусусиятлари, низоли вазиятларни бошқариш типлари, бошқарув йўналганлиги хусусиятлари, раҳбарнинг ишда ва оиладаги эмоционал ҳолати хусусиятлари анча кенг ўрганилганлиги билан диққатга сазовордир. Шунингдек, Н.А.Рўзиқулов⁴нинг илмий тадқиқоти умумтаълим муассасаси раҳбарининг бошқарув фаолиятини

²Мухамедова Д.Г. Таълим менежерини инновацион фаолиятга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик технологияларини такомиллаштириш. Психол.ф.д. дисс. автореферати. Тошкент. 2015, 74 б.

³Қодирова Х.А. Особенности межличностного общения руководителей на работе и в семье. Автореф. дисс. канд. психол. наук. Т. 2010. 22 с.

⁴Рўзиқулов Н.А. Психологическое обеспечение совершенствования управленческой деятельности руководителя общеобразовательного учреждения: Автореф. дис. канд. психол. наук. - 2007. 22 с.

такомиллаштиришни психологик таъминлаш масалаларига бағишланган. Қатор ишларда (Э.Н.Сатторов, Х.М.Алимов (2004); И.И.Махмудов⁵ (2005); Э.Н.Сатторов (2014) раҳбар кадрлар фаолиятининг самарали ташкил этилишига қўйиладиган талаблар, бошқарув фаолиятида етакчи роль ўйнайдиган шахс сифатлари, мулоқот ва уни раҳбар фаолиятида ташкил этилишининг ўзига хослиги каби масалалар ёритилган.

Замонавий психология фанида кадрлар муаммоси (Б.Ю.Наумов, А.Л.Журавлев, Ф.Кайлейл, Н.Макиавелли, Маклаков А.Г., Руськина Е.Н., З.Фрейд, А.Фрейд, Ф.Б.Бассин, Б.Д.Карвасарский, А.А.Налчаджян, Е.С.Романова, Е.А.Сергиенко, Л.Ю.Субботина, В.А.Штроо, R.Plutchik, Н.Kellerman, Н.Conteva бошқалар⁶), меҳнат психологиясида (касбий камолот (психологик камолот таълимоти доирасида Е.Нейм, В.А.Бодров, Э.Ф.Зеер, А.К.Маркова, В.Е.Орёл, Ю.П.Поварёнков, Д.Сьюпер, Д.Холланд ва бошқалар), ёш даврлари ва педагогик психологияда, ижтимоий психологияда (ижтимоий муносабатлар динамикасини ўрганиш контекстида С.В.Richardson, К.Л.Mulvey, М. Killen, А.Андреева, К.Рожерс, В.М.Каримова, У.Қодиров ва бошқалар⁷ ва бошқалар⁸).

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертацион илмий-тадқиқот иши Тошкент давлат педагогика университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ОТ-Ф1-126 «Ўзбекистон ёшларида психологик етуклик кўрсаткичларини ўрганишнинг психодиагностика воситаларини ишлаб чиқиш, илмий асослаш ва амалиётга тадбиқ этиш» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган. 2017-2019 йиллар.

Тадқиқотнинг мақсади ҳарбий ва ҳарбий бўлмаган соҳаларда бошқарув фаолиятини олиб бораётган ёш раҳбарларда бошқарув кўникмалари ривожланиши ва шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тадқиқот мавзусига тааллуқли илмий психологик адабиётларни таҳлилий ўрганиш;

тадқиқот муаммосини ўрганиш методикаларини танлаш;

тадқиқот объектини аниқлаш, эмпирик тадқиқотларни ўтказиш ва

⁵Махмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. –Тошкент.: Академия, 2011.

⁶ Фрейд А. Эго и механизмы защиты. – М.: Издательство Эксмо, 2003. – 256 с., Freud A. Das ich und die Abwehrmechanismen. - London, Imago, 1946. – 207 p., Johnson D., Johnson R. Constructive Conflict in the Schools // Journal of Social Issues. 1994. Vol. 50. No. 1. - Pp. 117-137., Cramer P. The development of defense mechanisms: theory, research, and assessment. – New York: Springer-Verlag, 1991. – 251 p.

⁷ Маклаков А. Г. Общая психология. - СПб.: Питер, 2000. -С.471., Умаров Б.М. Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятчилигининг ижтимоий-психологик муаммолари // Психол...ф-лари доктори диссертацияси. - Тошкент., 2009.-360 с.

⁸ Tjosvold D. van der Vilert E. Applying Cooperative and Competitive Conflict Theory to Mediation // Psychological Abstracts. April, 1995. Vol. 82. №. 4. - Pp. 1645., Richmond V. P., McCroskey J. C. Reliability and separation of factors on the assertiveness-responsiveness measure // Psychological Reports. 1990. №67. P. 449-450., Руськина Е.Н. Возможности достижения психологической безопасности личности в условиях манипулятивного влияния // Гуманитарные науки и образование. 2011. № 4 (8). - С. 85-87.

олинган натижаларни миқдорий ва сифат жиҳатидан таҳлил этиш;

ёш раҳбарларда бошқарув кўникмаларининг шаклланишига таъсир этадиган омилларни аниқлаш;

ёш раҳбарларда бошқарув кўникмалари шаклланиши моделини (дастурини) ишлаб чиқиш;

эмпирик натижаларни математик-статистик таҳлил этиш ва ёш раҳбарларда мавжуд бошқарув кўникмалари ва қобилиятларининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

тадқиқотдан олинган илмий натижалар асосида илмий хулосалар, таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Президент ҳузуридаги давлат ва бошқарув академиясининг (100 нафар 35 ёшдан ошмаган раҳбарлик стажи 3 йилгача бўлган ҳарбийлар), (100 нафар 35 ёшдан ошган раҳбарлик стажи 4 йилдан зиёд ҳарбий бўлмаган тажрибали раҳбар ходимлар) жами 200 нафар тингловчилари жалб этилди.

Тадқиқотнинг предметини ёш раҳбарларда бошқарув кўникмалари шаклланиши ва ривожланиши жараёнида кўникмаларнинг шаклланишига таъсир кўрсатадиган омиллар.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида Хардфорднинг “Лидер” тести, “Раҳбар томонидан ўз касбий муҳим сифатларининг баҳоланиши” методикаси (Б.Ю.Наумов томонидан таклиф этилган), “Меҳнат жамоаси раҳбарининг шахсий сифатларини эксперт баҳолаш” методикаси (А.Л.Журавлев томонидан таклиф этилган), Натижаларни қайта ишлаш математик-статистик методикалар факторли таҳлил, Стъудентнинг t-мезони, Пирсоннинг корреляция коэффиценти хи-квадрат мезони методикалари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёш раҳбарлар бошқарув кўникмаларида етакчи психологик омил бўлган лидерлик феноменининг қарор қабул қилишни рационаллаштириш лидерлик интеллекти билан ҳамоҳанг ривожланиб бориши аниқланган;

ёш раҳбарларнинг психикаси ва шахси структураси шаклланиши психик жараёнлари таркибининг билиш, иродавий ва эмоционал гуруҳи орқали амалга ошиши аниқланган;

бошланғич бошқарув кўникмалари шаклланиб боришининг ўз-ўзини назорат қилиш, эмоционал соҳанинг барқарорлиги каби ижтимоий-психологик структураси ва унинг изчиллиги тўғрисида ёш раҳбарларда тасавурларни тизимли шакллантириб бориш самарали эканлиги аниқланган;

ёш раҳбарларда бошланғич бошқарув кўникмалари шаклланиб боришининг ижтимоий-психологик таркиби ва изчиллиги тўғрисида тасавурларни шакллантириш самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бошқарув кўникмаларининг ривожланганлик даражасини аниқлаш ва ўрганишда ёш раҳбарларнинг ўзини-ўзи англаши, уларнинг кейинги ривожланиши учун етакчи стимул бўлиши тўғрисидаги янги ёндашув республикада раҳбарликни ўрганиш бўйича психологик тадқиқотлар

амалиётига олиб кирилган;

диссертацияда қўлланилган методикалар жамланмаси ва қўлланиш тартиби кетма-кетлигидан ёш раҳбарларда бошқарув кўникмаларини ривожлантиришда психологик ёрдам тадбирларини амалга оширишга йўналган амалий ишда дастурий маҳсулот сифатида фойдаланилган;

бошқарув кўникмаларининг ривожланишига таъсир кўрсатадиган омиллар аниқланди ва ёш раҳбарларда бошқарув кўникмалари ривожланишини оптималлаштиришда ушбу омилларнинг устуворлигини таъминлаш услублари амалий психологик ишда қўллаш учун тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот объекти илмий жиҳатдан асосланган ва халқаро миқёсда тан олинган методикалар орқали ўрганилганлиги, эмпирик изланишлар назарий асослаб берилганлиги ва олинган натижалар аниқ математик-статистик методлар ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги ва шу асосда психологик интерпретация қилинганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотимиз жараёнида олинган илмий натижаларда Ўзбекистон шароитида ёш раҳбарларда бошқарув кўникмалари шаклланишининг ўзига хос жиҳатлари хусусиятлари тўғрисидаги билимларини кенгайтириш орқали уларда ўзини-ўзи ривожлантиришга интилишларининг ортиши имконини беришига, бунинг натижасида раҳбарда шахсий ривожланишга эришиш учун янги истиқболларнинг очилишига олиб келиши тўғрисидаги илмий хулосаларнинг олинганлиги тадқиқотнинг илмий жиҳатдан сезиларли аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, илмий хулоса ва амалий тавсиялардан раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришда индивидуал ишлаш режаси ва дастурини тузишда кенг фойдаланиш, бошқарув психологияси фанидан машғулотлар ўтишда, ёш раҳбарларда бошқарув кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган амалий ишларни ташкил этишда, бошқарув психологияси фанидан услубий адабиётлар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги илмий тадқиқотнинг амалий аҳамиятини белгилаб беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёш раҳбарларда бошланғич ўзини-ўзи таҳлил қилиши, ўз-ўзини англаши каби хусусиятларини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида олинган илмий натижалар қуйидаги фаолиятларда тадбиқ қилинган:

ёш раҳбарлар бошқарув кўникмаларида етакчи психологик омил бўлган лидерлик феноменининг қарор қабул қилишни рационаллаштириш лидерлик интеллекти билан ҳамоҳанг ривожланиб бориши тўғрисидаги таклифлари Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 11 августдаги П-М-8-сонли буйруғига асосан бўлғуси амалиётчи психологларни тайёрлашда “Бошқарув ва маркетинг психологияси” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 11

августдаги П-М-8-сонли маълумотномаси). Натижада амалиётчи психологларнинг бошқарув кўникмаларини шакллантириш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

ёш раҳбарларнинг психикаси ва шахси структураси шаклланиши психик жараёнлари таркибининг билиш, иродавий ва эмоционал гуруҳи орқали амалга оширишда психологик тренингларни қўллаш бўйича ишлаб чиқилган усуллардан Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 11 августдаги П-М-8-сонли буйруғига асосан бўлғуси амалиётчи психологларни тайёрлашда “Бошқарув ва маркетинг психологияси” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 11 августдаги П-М-8-сонли маълумотномаси). Натижада раҳбар кадрлар компонентларини шакллантирувчи сифатлар Марказнинг илмий-амалий таъминотини кучайтирган;

бошланғич бошқарув кўникмалари шаклланиб боришининг ўз-ўзини назорат қилиш, эмоционал соҳанинг барқарорлиги каби ижтимоий-психологик структураси ва унинг изчиллиги тўғрисида ёш раҳбарларда тасаввурларни тизимли шакллантириб бориш самарасини аниқлаш усуллари Тошкент давлат Педагогика университети Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 11 августдаги П-М-8-сонли буйруғи билан ташкил этилган “Шахслараро психология” курсини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 11 августдаги П-М-8-сонли маълумотномаси). Натижада соҳа вакилларида кўникма ва малакаларни ривожлантириш бўйича профилактика ишлари ташкил этишнинг намунавий режасини ишлаб чиқилган;

ёш раҳбарларда бошланғич бошқарув кўникмалари шаклланиб боришининг ижтимоий-психологик таркиби ва изчиллиги тўғрисида тасаввурларни шакллантириш механизмларини самарали жорий этишга оид амалий тавсиялардан Тошкент давлат Педагогика университети Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 11 августдаги П-М-8-сонли буйруғи билан ташкил этилган “Касб психологияси” модули мажмуасига сингдирилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 11 августдаги П-М-8-сонли маълумотномаси). Натижада бу психодиагностик текширувлар асосида шакллантирилган сифатли психологик тавсифномаларни тузишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апрбацияси. Тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 10 та республика журнал ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий натижалари ЎЗР ОАК томонидан тавсия этилган 8 та журналда (шулардан 1 таси хориж журналида) чоп этилган. Шунингдек, тадқиқот натижалари 7 та республика конференция материаллари тўпламида ўз аксини топган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Мазкур диссертацион тадқиқот кириш, учта боб, 10 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Ишнинг умумий ҳажми 140 бет бўлиб, фойдаланилган адабиётлар рўйхати 250 манбани ўз ичига олади. Ишда 15 та жадвал ва 8 та расм мавжуд.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати; тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мослиги асосланган, диссертацион тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий ўқув юрти илмий-тадқиқот режалари билан алоқадорлиги очиб берилган; тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети ва тадқиқот методлари ифодаланган; тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган маълумотларнинг ишончлилигибаён этилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг татбиқи ва уларнинг синовдан ўтиши баён қилинган. Бундан ташқари чоп этилган ишлар ва диссертация ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Жамиятда бошқарув маданияти шаклланишининг психологик асослари” деб номланган биринчи боби ғарб олимлари ишларида раҳбарлик ва лидерлик масалалари, хусусан, раҳбарнинг шахсий сифатлари, уларнинг бошқарув фаолиятидаги ўрни масаласи, шарқ мутафаккирларининг раҳбар шахси масалалари бўйича қарашларини ўрганишга бағишланган. Айниқса, ҳар қандай раҳбарликда муҳим элемент ҳисобланган лидерлик феноменига, унинг бошқарув фаолияти билан ҳамоҳанг ривожланиб боришига эътибор қаратилган.

Лидерлик махсус ижтимоий-психологик феномен бўлиб, у индивидуал ва гуруҳий ижтимоий-психологик омилларга боғлиқ. “Лидер” сўзи инглизчада to lead сўзи билан ифодаланган бўлиб, у эргаштирмақ деган маънони англатади. Демак, лидер – бу етакловчи, олдинда юрвчи, деган маънони билдиради. Лидерликка мақсадга эришишга йўналган гуруҳий фаолликка таъсир кўрсатиш жараёни сифатида, гуруҳ фаолиятини координация қилиш ва бошқариш бўйича лидернинг конкрет ҳаракатлари сифатида ҳам таърифлашади. Хулоса қилиш мумкинки, лидерлик – бу лидер, унинг издошлари ва турли хил вазият ўзгарувчиларининг функцияси ҳисобланади.

Лидерлик феноменида мавжуд қуйидаги таркибий элементларни фарқлаш мумкин, булар: лидер, издошлар гуруҳи, лидернинг фаолияти, гуруҳ ва издошлар ўзаро таъсири шароитлари⁹.

Лидерликни илмий ўрганиш Н.Макиавеллининг 1517 йилда ёзилган “Подшоҳ” асари¹⁰ билан бошланган, деб ҳисобланади. XX асрнинг биринчи ярмида тадқиқотчилар ўз эътиборларини “буюклик сифатларига” қаратиб,

⁹Базаров Т.Ю. Управление персоналом : учебник. –М.: Издательский центр “Академия”, 2015.

¹⁰Макиавелли Н. Государь. 1990.

машхур сиёсий ва давлат лидерлари қилган ишларни таҳлил қилиш билан машғул бўлдилар. Ақлий ва жисмоний қобилиятларга қўшимча равишда ўз-ўзига ишонч, ҳокимиятга интилиш, муваффақиятга бўлган эҳтиёж, ўз-ўзини рўёбга чиқариш эҳтиёжи, устунликка бўлган эҳтиёж каби шахс сифатлари бўлиши кераклиги таъкидланди. Лидер хулқ-атвори моделлари ва лидерлик сифатлари “жамланмаси” вақт ўтиши билан бир неча бор ўзгарди. Ф.Кайлейл томонидан ишлаб чиқилган “Юксак Одам Назарияси”да лидер бўладиган одамлар азалдан уларга лидерлик позициясини эгаллашга ёрдам берадиган маълум бир сифатлар йиғиндисига эга бўладилар, деб ҳисобланди.

Ўрганилаётган муаммо юзасидан мавжуд илмий адабиётлар таҳлилидан шу нарса кўринадики, жамият ривожлана боргани сари ундаги шахслараро муносабатлар тизими мукаммаллаша бориши бошқарув маданиятининг ҳам шаклланишига олиб келган. Айниқса, олимлар томонидан лидерлик, раҳбарга қўйиладиган талаблар, бошқарув турлари ва уларнинг афзаллик томонлари каби масалалар бўйича етарлича илмий қарашлар ишлаб чиқилган ва амалиётда қўллаш учун таклиф этилган бўлиб, бу илмий маълумотлар диссертациямизда тадқиқ этилаётган муоммо нуқтаи назардан таҳлил этилганлиги диққатга сазавор.

Диссертациянинг “Раҳбарларда бошқарув кўникмалари шаклланишининг назарий-методологик асослари” деб номланган иккинчи бобида бошқарув фаолиятининг мазмуни ва структураси, бошқарув фаолияти субъектининг психологик хусусиятлари, бошқарув кўникмалари шаклланиши, тадқиқотни ташкил этишнинг назарий-методологик асослари, методик аппарати кенг муҳокама қилинади. Бобда раҳбарнинг психикаси ва шахси структураси психик жараёнларининг учта – билиш, иродавий ва эмоционал гуруҳи, шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари ва шахснинг психик ҳолатлари алоҳида ўрганилди. Психик жараёнлар, ҳолатлар ва хусусиятлар раҳбар фаолиятидаги муҳим когнитив, регулятив ва коммуникатив вазифалар ажратиб кўрсатилган. Шунингдек 2-бобда тадқиқотни ташкил этишнинг назарий-методологик жиҳатлари кенг асослаб берилган ва тадқиқот хусусиятларига мос методик аппарат танланганлиги илмий изоҳлаб берилган.

Тадқиқотнинг **“Ёш раҳбар кадрларда бошқарув кўникмалари шаклланишининг ўзига хос психологик жиҳатлари”** деб номланган учинчи бобида бошқарув психологияси раҳбар шахси ва фаолиятини раҳбарнинг бошқарув жараёни самарадорлигига, ўз ижтимоий роллари ва вазифаларини бажаришга сезиларли таъсир кўрсата оладиган психологик жиҳатларини аниқлаш нуқтаи назаридан ўрганганлиги ва шу жиҳатдан ҳам раҳбар фаолиятига ташкилот фаолияти самарадорлигини оширувчи омил нуқтаи назаридан қараб келиниши алоҳида таъкидланган.

Биз ҳам ўз тадқиқотимизни ташкил этишда ушбу муҳим жиҳатга асосий эътиборимизни қаратган ҳолда тадқиқот методикаларини танладик ва ёш раҳбарларда бошқарувни самарали ташкил этиш учун зарур жиҳатлар, сифатлар ва компетенцияларни аниқлашга ҳаракат қилдик.

Раҳбар фаолияти жуда кўп қиррали ва у раҳбардан барча шахсий имкониятларини намоён қилишини талаб этади. Раҳбар бажарадиган ижтимоий роллар жамланмаси ҳам ранг-баранг, у ҳам бошқарувчи, ҳам ходимларнинг ўқитувчиси ва тарбиячиси, маълум бир фаолият соҳасида мутахассис, ишлаб чиқариш низолари ва тортишувларда ҳакам ва бошқалар. Унинг фаолияти асосан интеллектуал характер касб этиб, меҳнатининг натижаси бошқарув қарорларини қабул қилиш билан яқунланади.

Буларнинг барчаси бошқарув фаолиятини ўрганишни тизимли ташкил этишни тақозо этади.

Одатда раҳбарлик фаолиятини бошлаётган ходим аксарият ҳолларда одатда бу фаолиятга бирон-бир махсус тайёргарликсиз киришади. Натижада унинг бошқарув соҳасидаги билимлари шахсий тажрибаси жараёнида шаклланади. Бу жиҳатни ўрганиш, аниқлаш натижасидагина ходимни раҳбарликка тайинлашни амалга ошириш орқали бошқарув фаолиятини самарали ташкил этиш мумкин.

Чунки айнан лидерлик сифатларига эга бўлган раҳбаргина ходимларни янги ғояларга ундайди, ходимларда фаоллик ва ижодкорликни юзага келтиради, одамларда унга нисбатан ишонч, унга бўйсунуш юзага келиши туфайли ташкилотда қўйилган вазифаларни самарали бажарилишига эришилади. Шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда биз тадқиқотимизда “Лидер” тестидан фойдаланган ҳолда ёш раҳбарларда лидерлик сифатларини қай даражада ифодаланганлиги, бу сифатларни ривожлантириш имкониятлари нуқтаи назаридан ўргандик. Тадқиқотимизда 40 нафар турли соҳаларда фаолият олиб бораётган, раҳбарлик стажи 3 йилгача 35 ёшгача бўлган раҳбар ходимлар иштирок этди. Бунда биз тадқиқот иштирокчилари раҳбарликнинг қайси бўғинида фаолият олиб бораётганлигини, айти пайтда олиб бораётган раҳбарлигигача раҳбарлик фаолияти билан шуғулланган ёки шуғулланмаганлигини ҳам ҳисобга олдик. Олинган натижалар кўрсаткичлари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Лидерлик ифодаланганлиги даражалари бўйича ёш раҳбарлар кўрсаткичлари

Лидерлик ифодаланганлиги даражалари	Суст ифодаланган	Ўртача ифодаланган	Кучли ифодаланган	Диктаторлик даражасида
Раҳбарлар сони	5 та (12,5%)	28 та (70%)	6 та (15%)	1 та (2,5%)

1-жадвалдаги натижалардан кўриниб турганидек, 5та синалувчида (12,5%) лидерлик суст ифодаланганлиги намоён бўлмоқда. Ушбу 5та синалувчининг биттаси кадрлар хизматида, биттаси олий ўқув юртида, биттаси архив соҳасида, биттаси транспорт агентлиги соҳасида, биттаси йўл қурилиши соҳасида, яъни раҳбарда қаттиқ талабчанлик бўлишини назарда тутмайдиган соҳалар бўлиб, касбий фаолият соҳаси ҳам раҳбарда лидерлик ифодаланганлик даражасига таъсир кўрсатиши мумкин, деган эҳтимолни юзага келтиради.

Ёш раҳбарларнинг аксариятида (28 киши – 70%) лидерлик ўртача

даражада ифодаланганлиги намоён бўлмоқда. Уларда мустақил раҳбар ёки раҳбар ўринбосари бўлиб ишлаши билан лидерликнинг ифодаланганлик даражаси ўртасида боғлиқлик кўринмади. Бу ҳолат лидерлик намоён бўлиши даражаси раҳбар эгаллаган лавозим билан эмас, балки кўпроқ раҳбарликда ишлаётган муддати билан боғлиқ бўлиши мумкин, деган эҳтимолни кучайтиради.

Синалувчиларнинг бтаси(15%)да лидерлик кучли даражада ифодаланганлигини кўрамыз. Бу ҳолат лидерликнинг ифодаланиш даражаси касбий фаолият билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин, деган фарзани илгари суриш имконини беради. Чунки бундай кўрсаткични намоён қилаётган тоифадаги барча раҳбарларнинг фаолияти қатъийликни, жамоада ўз сўзини ўткази олишни, ўз фикрида қаттиқ туришни талаб қиладиган соҳалар (мудофаа, ички ишлар, хавфсизлик хизмати, координация ва авария тиклаш хизмати, архитектура ва қурилиш соҳалари) ҳисобланади.

Ёш раҳбарлар тоифасига кирувчи синалувчилардан фақат 1 киши (2,5%)да диктаторликка мойиллик борлиги намоён бўлди.

Таққослаш мақсадида тажрибали (раҳбарлик стажи 4 йилдан зиёд) раҳбарлар билан ҳам “Лидер” тестини ўтказдик. Тадқиқотимизда бу тоифага тааллуқли 40 нафар раҳбар иштирок этди.

2-жадвал

Лидерлик ифодаланганлиги даражалари бўйича тажрибали раҳбарлар кўрсаткичлари

Лидерлик ифодаланганлиги даражалари	Суст ифодаланган	Ўртача ифодаланган	Кучли ифодаланган	Диктаторлик даражасида
Раҳбарлар сони	2 та (5%)	20 та (50%)	13 та (32,5%)	5 та (12,5%)

Тажрибали раҳбарларда (2-жадвал) лидерлик суст намоён бўлган синалувчилар миқдори ёш раҳбарлардагига қараганда анча кам 5% (ёш раҳбарларда бу 12,5%). Демак раҳбарлик фаолиятида ишлаш жараёни шахс лидерлик сифатларининг ривожланишига маълум даражада таъсир кўрсатадиган омил деб қараш мумкин. Чунки раҳбарлик сифатларининг ривожланиши ва шаклланиши, энг аввало, тажриба орқали амалга ошади.

Тажрибали раҳбарларда лидерлик сифатлари ўртача ифодаланганлигикамайган (50%) ёш раҳбарларда 70% ташкил этмоқда.

Тажрибали раҳбарларда лидерликни намоён қилишнинг нормадан ортик кўриниши бўлган диктаторликка мойиллик сезиларли даражада ортган (12,5%), бу кўрсаткич ёш раҳбарларда (2,5%). Мазкур ҳолат бошқарув кўникмалари, жумладан, лидерлик сифатлари ривожланиши раҳбарлик фаолияти тажрибаси ортиши билан фақат ижобий томонга ўзгарибгина бормасдан, балки бу ўзгаришлар маълум бир салбий жиҳатларнинг ҳам пайдо бўлишига олиб келиши мумкин, деган фикрни юзага келтиради. Бу ҳолатлар таҳлили тадқиқотимизда қўлланилган кейинги методикалар натижалари билан боғлиқ ҳолда яна аниқлаштирилди.

Биз тадқиқотимизда олинган натижаларни лидерлик ва касбий

соҳаларнинг боғлиқлигини аниқлаш нуқтаи назаридан ҳам таҳлил қилдик. Респондентлардан ҳарбий, ички ишлар, адлия, хавфсизлик хизмати соҳаларида фаолият кўрсатаётганларини шартли равишда ҳарбий соҳа вакиллари, қолган соҳалар вакиллари ҳарбийликка дахлдор бўлмаганлар сифатида бирлаштирдик. Бу йўналишда ўтказилган таҳлил натижалари 3-жадвалда ўз ифодасини топган.

3-жадвал

Лидерлик намоён бўлишининг касбий соҳалар билан боғлиқлиги

Касбий соҳа	N	Mean (ўртача арифметик қиймат)	Std. Deviation (стандарт оғиш)	t-мезон	Аҳамиятлилик $p \leq$
Ҳарбий эмас	44	31,58	5,666	-2.527	0.014
Ҳарбий	36	34,50	4,359		

Лидерликнинг намоён бўлиш даражасининг ҳарбий ва ҳарбийликка дахлдорлиги бўлмаган касблар билан боғлиқлик даражаси Стьюдентнинг t-мезони бўйича қиёсланганда статистик жиҳатдан аҳамиятли даражада фарқланиши қайд этилди ($p \leq 0.014$), яъни респондентларнинг ҳарбий ёки ҳарбий эмаслиги улардаги лидерликнинг намоён бўлиш даражасига таъсир кўрсатиши аниқланди. Лидерлик намоён бўлиши ҳарбий соҳа вакилларида ҳарбийликка алоқадор бўлмаган соҳа вакилларига қараганда сезиларли фарқ қилиши, ҳарбий соҳа вакилларида лидерлик ҳатто диктаторлик даражасида ҳам ифодаланиши намоён бўлди.



3 йилгача раҳбарлик стажига эга бўлган ва 4 йилдан зиёд раҳбарлик стажига эга бўлганларда лидерлик тоифалари бўйича фарқлар кўрсаткичлари 4-жадвалда аниқ ифодаланиб турибди.

4-жадвал

3-йилгача ва 4 йилдан зиёд раҳбарлик стажига эга бўлганларнинг лидерлик бўйича шахс тоифалари

3 йилгача раҳбарлик стажига эга			4 йилдан зиёд раҳбарлик стажига эга		
Тоифа	Частота	Перцентил	Тоифа	Частота	Перцентил
суст	5	12,5	суст	2	5,0
ўрта	28	70,0	ўрта	20	50,0
кучли	6	15,0	кучли	12	30,0
диктатор	1	2,5	диктатор	6	15,0
жами	40	100,0	жами	40	100,0

Жадвал таҳлилига асосланган ҳолда раҳбарларда одамларни ўзига эргаштира олиш қобилияти, лидерлик қобилиятининг бўлиши бошқарув фаолиятини ташкил этишда жуда муҳим ҳисобланишини қатъий айтиш мумкин. Чунки лидерлик ўз табиатига кўра психологик феномен сифатида одамларнинг норасмий муносабатлари тизимида шаклланар экан, лидерликнинг асосини лидер ва унга эргашувчи одамлар ўртасидаги шахслараро таъсир жараёни ташкил этади.

Тадқиқотимизда юқоридаги ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда раҳбарларнинг ўзини ўзи баҳолашива тушуниши ўрганилди. Бунинг учун биз “Ўз чекланганликлари таҳлили” (“Сиз ўзингиз”) тести ёрдамида ёш раҳбарларни ўргандик. Тестда берилган 110та савол раҳбарнинг бошқарув фаолиятида талаб этиладиган 11та йўналишдаги имкониятларини аниқлаш имконини беради. Бунда ҳар бир йўналиш бўйича раҳбарнинг кучли ва кучсиз томонлари қуйидагича белгиланган: А – ўз-ўзини бошқариш қобилияти ўз-ўзини бошқара олмаслик; Б – аниқ шахсий қадриятлар – шахсий қадриятларнинг аралашганлиги; В – аниқ шахсий мақсадлар – шахсий мақсадларнинг аниқ эмаслиги; Г – давомли ўз-ўзини ривожлантириш ўз-ўзини ривожлантиришнинг тўхтаб қолганлиги; Д – муаммолар ечимини топиш кўникмаларининг яхши даражадалиги – бундай кўникмалар етишмаслиги; Е – ижодий ёндашув – ижодий ёндашувнинг етишмаслиги; Ж – атрофдагиларга таъсир кўрсата олиш – атрофдагиларга таъсир кўрсата олмаслик; З – бошқарув меҳнати хусусиятларини тушуниш – бошқарув меҳнати хусусиятларини етарлича тушунмаслик; И – бошқариш қобилияти – бошқариш қобилиятининг етишмаслиги; К – ходимларни ўргата олиш – ходимларни ўргата олмаслик; Л – гуруҳий ишни йўлга қўя олиш – коллективни шакллантира олмаслик. Бу методика ёрдамида олинган натижалар раҳбарнинг юқорида келтирилган йўналишлар бўйича имкониятларининг ривожланганлик ёки ривожланишдан орқада қолаётганлик даражаларини аниқлаш имконини беради. Айниқса, бу методика кўрсаткичларига асосланган ҳолда ўз чекланганликларини билиш раҳбарга бошқарув кўникмаларини ривожлантириш бўйича ўз устида ишлаш имконини беради.

5-жадвал

Ёш раҳбарларнинг бошқарув фаолиятидаги имкониятларининг ўртача кўрсаткичлари (“Сиз ўзингиз” тести бўйича)

Имкониятлар йўналишлари	А	Б	В	Г	Д	Е	Ж	З	И	К	Л
Ўртача кўрсаткичлар	6,2	5,85	7,2	7,45	7,95	6,05	8,18	6,62	7,75	7,48	7,7

“Шахсий қадриятларнинг аниқ эмаслиги” (67,5% синалувчиларда), “бошқарув меҳнатини етарлича тушунмаслик” (47,5 % синалувчиларда), “ўзини-ўзи бошқара олмаслик” (47,5% синалувчиларда) ва “ижодий ёндашувнинг етишмаслиги” (32,5% синалувчиларда) ёш раҳбарларда ўз чекланганликлари сифатида кўрсатилган. Биз юқорида келтирилган касбий чекловлар билан лидерлик даражаларини қиёслаш орқали улар ўртасидаги

боғлиқликни топишга ҳаракат қилдик. Шахсий ва касбий чекловлар ўртасидаги тафовутлар билан лидерлик даражалари факторли таҳлили 3 йилгача раҳбарлик стажига эга респондентларда қуйидаги чекловлар билан боғлиқ омилларни фарқлаш имконини берди.

6-жадвал

Лидерлик ифодаланганлик даражалари ва чекловлар ўртасидаги боғлиқлик
(3 йилгача стажга эга раҳбарларда)

3 йилгача раҳбарлик стажига эга респондентлар	Омиллар йўналишлари		
	1	2	3
Жамоанишакллантираолмаслик	,923		
Бошқарувқобилиятиетишмаслиги	,900		
Муаммочаолишмалакасимавжудэмаслиги	,892		
Таълимбера олмаслик	,834		
Такомилдантўхташ	,785	,409	
Ижодийликнинг етишмаслиги	,679		
Шахсиймақсадлармавҳумлиги	,651	,514	
Ўзинибошқараолмаслик		,831	
Таъсиркўрсатаолмаслик	,525	,752	
Шахсийқадриятлармавҳумлиги		,622	-,462
Лидерлик			,709
Бошқарувфаолиятихусусиятлариниетарличаангламаслик			-,547

Жадвал мазмунидан хулоса қилиш мумкинки, раҳбарлик стажига эга 3 йилгача бўлган респондентларда лидерликда бошқарув фаолияти хусусиятларини англаш ҳамда шахсий қадриятлар конкретлаштирилиши кераклиги намоён бўлмоқда. Яъни бошқарув фаолиятининг хусусиятларини етарлича англамаслик ва шахсий қадриятлар мавҳумлиги каби чекловлар ёш раҳбарларда бошқарув фаолиятини мураккаблаштирадиган омиллар сифатида қаралиши мумкин.

7-жадвал

Лидерлик ифодаланиши ва фаолият чекловлари ўртасидаги мазмуний
алоқадорлик (раҳбарлик стажига эга 4 йилдан зиёд)

4 йилдан зиёд раҳбарлик стажига эга респондентлар	Факторлар			
	1	2	3	4
Жамоанишакллантираолмаслик	,829			
Муаммочаолишмалакасимавжудэмаслиги	,825			
Шахсийқадриятлармавҳумлиги	,777			
Бошқарувқобилиятиетишмаслиги	,550		,514	
Такомилдантўхташ		,814		
Ижодийликетишмаслиги		,797		
Ўзинибошқараолмаслик		,675		
Таълимбера олмаслик			,842	
Лидерлик			-,724	
Таъсиркўрсатаолмаслик	,552		,701	
Шахсиймақсадлармавҳумлиги				,802
Бошқарувфаолиятихусусиятлариниетарличаангламаслик				,606

Раҳбарлик стажи 4 йилдан зиёд бўлганларнинг лидерлик ҳамда фаолият чекловлари ўртасидаги мазмуний алоқадорлик куйидагиларда ўз ифодасини топди.

Фарқланган омиллар сонини қиёсласак, раҳбарлик стажи 4 йилдан зиёд бўлган респондентларда лидерлик ва чекловлар ўртасидаги дифференциация маълум даражада кучлироқ эканининг гувоҳи бўламиз: 3 йилгача стажга эга респондентларда 3 омил фарқланган бўлса, 4 йилдан зиёд раҳбарлик стажига эга респондентларда омиллар сони 4тани ташкил этган.

Раҳбарнинг бошқарув, касбий компетентлиги умумпсихологик аҳамиятга эга бўлган сифатлар устига қурилган эканлигини инобатга оладиган бўлсак, раҳбар ўз бошқарув фаолияти жараёнида бошқарув учун зарур бўлган сифатларни ўзгартириш имконига эга, деган хулосага келамиз. Ёш раҳбарларда (раҳбарлик стажи 3 йилгача) “Сиз ўзингиз” ва “Ишингиз” тести натижаларини таққослашдан олинган фарқ кўрсаткичлари 12-жадвалда акс этган.

8-жадвал

Ёш раҳбарларнинг “Сиз ўзингиз” ва “Ишингиз” тестлари бўйичанатижаларини таққослашдаги фарқ кўрсаткичлари

Имкониятлар йўналишлари	А	Б	В	Г	Д	Е	Ж	З	И	К	Л
Ўртача кўрсаткичлар	1,25	2,2	1,4	1,29	3,3	1,93	2,0	2,8	1,0	2,14	2,0
ифодаланганлик частотаси(%)	20	57,5	10	47,5	10	35	20	32,5	15	27,5	27,5

8-жадвалда келтирилган натижалар кўрсатиб турибдики, ёш раҳбарларда тестда келтирилган 11та чекланганликдан 7 таси анча юқори даражада ва бу чекланганликлар респондентларнинг нисбатан кўпчилигида мавжуд эканлиги намён бўлмоқда. Шахсий қадриятларнинг ноаниқлиги чеклови респондентларнинг 57,5 фоизида, ўз-ўзини ривожлантиришнинг тўхтатилганлиги 47,5 фоизида, ижодий ёндашувнинг етишмаслиги 35 фоизида, бошқарув меҳнати хусусиятларини етарлича тушунмаслик 32,5 фоизида, ходимларни ўқита олмаслик 27,5 фоизида, жамоани шакллантириш қобилиятининг пастлиги 27,5 фоизида акс эттирилган. Бу ёш раҳбарларда бошқарув фаолиятини оптимал ташкил этишга тўсқинлик қиладиган қатор чекловлар мавжудки, бу уларнинг ўз фаолиятида қийинчиликларга тез-тез дуч келиб туришини кўрсатади. Албатта бу чекловлар мавжуд бўлиб билиш раҳбарга ўз устида ишлаш, ўз фаолиятига алоҳида эътибор қаратиш имконини беради.

9-жадвал

Тажрибали раҳбарларнинг “Сиз ўзингиз” ва “Ишингиз” тестлари бўйичанатижаларини таққослашдаги фарқ кўрсаткичлари

Имкониятлар йўналишлари	А	Б	В	Г	Д	Е	Ж	З	И	К	Л
Ўртача кўрсаткичлар	3,2	1,64	2,0	2,0	2,7	2,6	2,3	1,9	2,0	1,6	1,9
Респондентларда ифодаланганлик частотаси фоизда	20	62,5	8	35	17,5	27,5	22,5	30	5	30	40

Раҳбарлик стажи 4 йилдан зиёд раҳбарларнинг ўз бошқарув фаолиятида дуч келадиган қийинчиликлар ва чекловлар турларини ва характеридан кўриниб турибдики, шахсий кадриятларнинг ноаниқлиги чеклови 62,5% респондентларда, жамоани шакллантириш қобилиятининг пастлиги 40%, ўз-ўзини ривожлантиришнинг тўхтатилганлиги 35%, бошқарув меҳнати хусусиятларини етарлича тушунмаслик 30%, ходимларни ўқита олмаслик 30%, ижодий ёндашувнинг етишмаслиги 27,5% респондентларда бошқарув фаолиятидаги асосий чекловлар сифатида акс этмоқда. Ёш раҳбарлар ва тажрибали раҳбарларда чекловлар айнан бир хил эмаслигини кўриш мумкин. Лекин бу чекловлар ифодаланганлик бўйича, эгаллаган ўрнига кўра турлича бўлишига қарамасдан, иккита тоифа раҳбарларда ҳам деярли бу ҳолатни раҳбарлик фаолиятига махсус тайёргарликнинг йўқлиги, кейинчалик раҳбарлик фаолияти давомида раҳбарларни махсус психологик ўрганиб, уларга психологик ёрдам кўрсатиб бориш хизматининг йўлга қўйилмаганлиги натижасида раҳбарларнинг ўз имкониятлари ва ўз устида ишлаш заруриятини билмаслиги ва ўз-ўзини раҳбарлик фаолияти нуқтаи назаридан англашнинг етарли даражада эмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

Тадқиқотимизда раҳбарларни Б.Ю.Наумов томонидан таклиф этилган “Раҳбар томонидан профессионал муҳим сифатлари бўйича ўзини ўзи баҳолаш методикаси” ёрдамида ўргандик. Кўпчилик олимларнинг фикрига кўра бошқарув фаолиятининг муваффақияти раҳбарнинг методикада белгиланган қуйидаги 10та шахсий ва ишчанлик сифатларининг ривожланганлик даражаси билан белгиланади. Булар доминантлик, ўзига бўлган ишонч, эмоционал мувозанатлашганлик ва стрессга чидамлилик, креативлик (ижодкорлик), муваффақиятга эришишга интилиш.

10-жадвал

Раҳбар томонидан профессионал муҳим сифатлари бўйича ўзини ўзи баҳолаш методикаси бўйича ёш раҳбарлар (раҳбарлик стажи 3 йилгача) натижаларикўрсаткичлари

Шкалалар	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X
Ўртача кўрсаткич	13,1	10,95	10,7	10,68	9,78	13,23	9,5	11,28	10,58	12,85

Методикада белгиланганлигига кўра сифатлар тўртта ифодаланганлик даража (зона) сига эга: номинал зона (1-4 балл), потенциал зона (5-8 балл), ривожланиш зонаси (9-12 балл) ва суперзона (13 ва ундан кўп балл). Натижалардан кўринаяптики, фақат иккита – масъулиятлилик ва ишончлилик (13,23 балл) ҳамда доминантлик (13,1 балл) сифатлари бўйича ёш раҳбарлар тўплаган баллари суперзона даражасида бўлаяпти. Қолган саккизта сифат бўйича тўпланган баллар ривожланиш зонаси даражасида, хатто иккита сифат- бировга боғланиб қолмаганлик ва мустақиллик(9,5 балл) ҳамда муваффақиятга эришишга интилиш(9,78 балл) сифатлари бўйича кўрсаткичлар ривожланиш зонасининг бошланғич этапида турибди. Бу ҳолатни қуйидагича изоҳлаш мумкин: ёш раҳбарларда ҳали бошқарув кўникмаларининг етарлича шаклланмаганлиги оқибатида уларда юқори раҳбарларнинг ёки кучли шахсларнинг қўллаб-қувватлашларига муҳтожлик,

юқори даражадаги ишонувчанлик ва кучли шахслар таъсирига берилувчанлик, ўз эътиқодлари ва қийматлар йўналишларининг турғун эмаслиги уларда бошқалар таъсирга боғлиқлик ва тобелик нисбатан юқори даражада бўлишига олиб келиши эҳтимол.Шунингдек, кўрсаткичлардан ёш раҳбарларда интеллектуал сифатлар (10,58 балл), профессионал вазифаларни ижодий ечишга бўлган қобилият (10,68 балл), эмоционал мувозанатлилиқ ва стрессга чидамлилиқ (10,7 балл) ва ўз кучига ишонч (10,95 балл) каби сифатлар ҳам анча паст даражада ривожланганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин.

